

# САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРДАН ХОЛИ, МАЬНАВИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

**Назира Хамроева**

*A.Қодирий номидаги ЖДПУ “Педагогика таълими назарияси” кафедраси ўқитувчиси*

**Иброхимова Шодия**

*A.Қодирий номидаги ЖДПУ талабаси*

**Аннотация:** Ёшлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарлик ҳолатларининг таҳлили ва унинг олдини олиш бутун дунё илмий жамоатчилиги олдида турган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу борада ёшларга оиласада тарбия беришида ота-оналар ўта сергак, эътиборли бўлишилари лозим. Улар ёшлар ўртасидаги юзага келаётган қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишидаги ўрин бекёёс, буни ҳеч ҳам унутмаслигимиз керак.

**Калим сўзлар:** Ёшлар, салбий иллатлар, маънавият, оила, ота-она, қонунбузарлик, салбий хулқ, оила тарбияси, психологик мухит.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарлик ҳолатларининг таҳлили ва унинг олдини олиш бутун дунё илмий жамоатчилиги олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай салбий иллатларни илмий таҳлил қилиш, унинг олдини олиш Янги Ўзбекистонимиз келажагини, моддий ва маънавий асосини белгилайди. Зотан, соғлом ахлоқли, етук маънавиятли ва маърифатли ёшларимиз келажаги Учинчи реннесанс пойдевори бўлмоғи лозим.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар, шу жумладан мамлакатимиз ёшлари ўртасида жиноятчилик, гиёхвандлик, ичкиликбозлик ва ўз жонига қасд қилиш каби жамиятишимиз учун ёт бўлган салбий иллатларнинг камаймаётганлиги кўп жиҳатдан оиласада тарбияда йўл қўйилаётган нуқсон ва ҳатоларга боғлиқ бўлаётганлигини кузатишимиш мумкин. Республикаизда бундай нохуш ҳолатларнинг ортиб бораётганлигига қарамасдан, бу муаммони ўрганишга етарлича эътибор берилмаяпти. Болалар ва ўсмирлар ўртасида содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатларининг намоён бўлишида оиласада носоғлом психологик мухитнинг ўрни, қонунбузар болаларнинг шахс ва индивидуал-психологик хусусиятлари, жиноятчилик хулқини келтириб чиқарувчи ижтимоий психологик омиллар бугунги кунда илмий жиҳатдан янад кўпроқ тадқиқ этилиши зарур бўлган соҳалигича қолмоқда.

Илмий манбалар таҳлили, тадқиқотлар ва кузатувларимизнинг натижаларидан маълум бўлишича тўлақонли бўлмаган, низоли, лоқайд, спиртли ичимликларга ружу қўйган оиласада, наъмунали оиласада нисбатан салбий хулқли болалар кўпроқ этишиб чиқаётганлиги кузатилмокда. Бундай оиласада тарбияланган болалар ва ўсмирлар хулқида ўжарлик, тажовузкорлик, қабиҳлик, текинхўрлик каби салбий хислатлар риводланган бўлади. Бундай болалар ва ўсмирлар хулқ оғишига психофизологик жиҳатдан мойилллари билан ажralиб туради.

Оиладаги салбий ахлоқий иқлим, нохуш моддий ва маънавий шарт-шароитлар, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро носоғлом психологик муносабат, кўплаб оиласада ажримга юз тувиши ва шу кабилар болалар ва ўсмирларда оғма хулқнинг келиб чиқишида асосий омиллар сифатида намоён бўлади. Шунингдек, оиласада болалар тарбиясига тизимли ёндошувнинг йўқлиги, шахслараро муносабатларда ота-оналарнинг болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик, эмоционал ҳолатларини ҳисобга олмасликлари, турли вазифаларда тарбиявий, таъсир воситаларининг нотўғри қўлланилиши, болаларнинг

ота-оналар ва катталар назоратидан четда қолишиклари ҳам болалар ва ўсмирларда салбий хулқнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб хисобланади. Назоратдан четда қолган болалар ўзларини мустақил хисоблаб, кўнгиллари тусаган ишни қилишга интиладилар. Бундай болалар кичик-кичик ўтиришларга, видеобарларга боради. Интернет тармоқларида жангари, ахлоқсиз ва бошқа салбий ҳолатларни кўришга мойил бўлади. Айрим қилиғи совуқ кимсаларга тақлид қилиб, ичишни, чекишни ўрганиб оладилар. Хўш, бундай хулкни ўзида намаён қила бошлаган болаларнинг эртага қонунбузарликка қўл уриб, катта-катта жиноятларни содир этмасликларига ким кафолат бера олади.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар орасида кузатувларимиз натижаларига кўра “Болалар тарбиясининг ота-оналар ва бошқа кишилар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйишил” омили энг юкори кўрсаткични ташкил қиласди. “Ота-оналардан бирининг жамият ва ахлоқ нормаларига зид бўлган хулқقا эга бўлишлiği” иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, “Моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг етишмаслиги”, “Ота-она ва катталарнинг болаларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишлари” ва шу каби бир қатор омиллар кейинги ўринларни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганд, юкорида кўриб ўтганимиздек, болалар тарбиясининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, улар фаолиятини назорат қилмаслик салбий ҳолатларнинг келиб чиқишида асосий омил ролини ўйнайди. Шу боисдан болаларга, айниқса ўсмирларга оиласда тарбия бериш жараёнида ота-оналар ўта сергак, эътиборли, адолатли муносабатда бўлишлари ёшлар ўртасидаги юзага келаётган қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳеч ҳам унутмаслигимиз керак.

Биз кузатишларимиздан келиб чиқиб болалар ва ўсмирлар ўртасида юзага келаётган салбий ҳолатларнинг олдини олишда оиласвий тарбияда қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- Оиласда энг аввало соғлом психологик муҳитни яратиш;
- Оиласда болалар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик;
- Оиласвий муносабатларда болалар билан мулоқотга киришишда уларнинг ёш ва индвидуал психологик хусусиятларини хисобга олиш ўта зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хидоятов, Р., Хакимов, О., & Исакбулов, Р. Ю. (2016). Духовная просвещенность руководителя: проблемы и их решения. *Молодой ученый*, (7-2), 96-99.вации”. Тошкент 22 апреля 2021г.
2. Хидоятов, Р., & Тўхтаев, З. (2022). НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ НОВОЙ УЗБЕКСКОЙ ЭКОНОМИКИ. *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION*, 35.
3. ХИДОЯТОВ, Р. (2023). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ.